

ALISHER NAVOIY ADABIY VA ILMIY MEROSINI O'RGANISH MASALALARI xalqaro ilmiy-amaliy konferensiya

АЛИШЕР НАВОЙНИНГ УЙГУР АДАБИЁТИДАГИ ИЗДОШЛАРИ

Низомиддин МУРОДИЙ,

*академик Б.Фафуров номидаги Ҳужсанд давлат университети профессор,
филология фанлари доктори
murodinizomiddin@mail.ru*

DOI <https://doi.org/10.5281/zenodo.14804412>

Annotatsiya: *Ushbu maqolada o'zbek va tojik adabiyotlarining uyg'ur adabiyotiga ta'siri masalasi Navoiy "Xamsa"sining sharqiy Turkistondagi o'rni misolida yoritilgan.*

Калим сўзлар: Ўзбек адабиёти, уйғур адабиёти, форс-тожик адабиёти, "Хамса", Навоий, Низорий, Ёркандий, насрой "Хамса".

Annotation: This article examines the distribution of Uzbek and Persian Tajik literature and the influence of the traditions of writing "Hamsa" Navoi in eastern Turkestan.

Key words: Uzbek literature, Uighur literature, Persian-Tajik literature, "Khamsa", Navoi, Nizori, Yorkandi, "Khamsa" in prose.

Маълумки, ўзбек ва тожик адабиётида хамсачилик анъанаси кенг тарқалган бўлиб, кўплаб Шарқ мамлакатларида бу анъана равнақ топганидек, унинг гўзал намуналари уйғур мумтоз адабиётида ҳам кўзга ташланади.

Уйғур адабиётининг машҳур хамсанавис шоири Абдураҳим Низорий бўлиб, у XVIII-XIX аср адабиётининг атоқли вакили ҳисобланади. У ўз халқининг орзу ва умидларини «Фарҳод ва Ширин», «Лайли ва Мажнун», «Вомиқ ва Узро», «Маҳзун ва Гулнисо», «Робиа ва Саъдин» каби маснавийларида акс эттириб, шу билан бир қаторда бу асарлари орқали уйғур адабий шоирлари доирасида достончилик маҳоратини ҳам том маънода кўрсата олди.

Манбаларда кўрсатилган маълумотларга қўра, Низорий (1776-1849) ёшлигидан форс ва араб тилларини чуқур ўрганиб, форс-тожик адиблари Фирдавсий, Низомий, Саъдий, Хусрав Дехлавий, Ҳофиз, Жомий ва Бедил асарларини мутолаа қилган [10.3; 5.36]. У котиблик санъатидан хабардор бўлган ва Навоий куллиётини қайта-қайта нусха кўчирган. Унга тегишли қўлёзмалардан бири Алишер Навоий номидаги давлат музейида 136 -рақами остида сақланади.

Низорий ўзи тириклик чоғида асарларини тўплаб, уни «Фариблар ҳикояти» деб номлайди. Аммо бу асар Низомий ва Навоийнинг "Хамса"лари таъсирида ёзилганлиги туфайли кейинчалик бу асар Низорийнинг "Хамса"си сифатида шухрат қозонди. Бу асар 1841-1844 йилларда ёзилган бўлиб, 24000 байтдан иборатdir.

ALISHER NAVOIY ADABIY VA ILMIY MEROSINI O'RGANISH MASALALARI

xalqaro ilmiy-amaliy konferensiya

Бизнинг қўлимизда Кошғардаги “Миллатлар нашриёти”да 1985 йилда чоп этилган “Низорий достонлари” асари мавжуд бўлиб, бу китоб Шинжон миллий музейида сақланётган “Муҳаббат достонлари” номли нусха асосида нашрга тайёрланган. Таъкидлаш жоизки, бу асар ўша котиблар томонидан бир нечта номлар остида кўчирилган “Ғариблар ҳикояти” асаридир. Ҳозирда “Ғариблар ҳикояти” тўплами Санкт-Петербург шарқшинослик институтининг қўлёзмалар бўлимида С-165 рақами остида сақланмоқда [9.6; 11.242-248].

Низорий уйғур классик адабиётининг ilk хамсачиларидан ҳисобланиб, ўзининг беш достони билан ўзидан олдинги тожик ва ўзбек адабиёти тарихида ёзилган “Хамса”ларга татаббу усулида ўз достонларини яратди. У ўзининг «Хамса»си орқали уйғур адабиёти тарихи саҳифаларига жило баҳш этди. Низорий ўз достонларида тожик ва ўзбек хамсачилигига яратилган машхур суюжет ва образлардан моҳирона фойдаланади.

Масалан, Низорийнинг «Лайли ва Мажнун» достониниг бошида Қайс ва унинг отаси шундай эътироф этилади:

*Чу бир нукта инишо қилип нуктадон,
Суруп ишқ ҳарфи била достон...
Бор эрди Араб ичра бир комрон,
Қабойил элига эди ҳукмрон...
Анинг варзиши эрди жуду ато,
Наво топмии андинг ҳар бир гадо [9. 267].*

Низомийнинг «Лайли ва Мажнун»ида бу парча шундай келтирилган:

*К-аз мулки Араб бузургворе
Будаст ба хубтар диёре...
Султони Араб ба комгорӣ,
Қоруни Аҷам ба молдорӣ.
Дарвешнавозу меҳмондӯст,
Иқбол дар ў чу мағз дар пӯст [8.45-46].*

Амир Хусрав Дехлавийнинг «Мажнун ва Лайли» достонида эса:

*Гӯянд, ки дар Араб жавоне,
Будаст зи нисбати шубоне.
Бахташ чу ба авж раҳбари дошт,
Гиммат ба фалак баробари дошт...
З-он шердили, ки дошт бо хеши,
Олуда нашуд ба чарбуи меш [1.68].*

Абдураҳмон Жомийнинг «Лайли ва Мажнун» маснавийсида асарнинг бу қисми шундай келтирилади:

ALISHER NAVOIY ADABIY VA ILMIY MEROSINI O'RGANISH MASALALARI

xalqaro ilmiy-amaliy konferensiya

*Мақбули Араб ба корсози,
Маҳбуби Ажам ба дилнавози...
Арзи рамааш бурун зи фарсанг,
Бар оҳуи дашт карда жо танг...
Бикишода даре ба мизбони,
Дардода салои меҳмони [2.43].*

Масалан, Навоийнинг «Лайли ва Мажнун» маснависида:

*Ким барри Арабда комрони,
Бор эрди Арабқа ҳукмрони.
Маҳкуми анинг неча қабила,
Иқболига истабон васила.
Бечора улусга чорасоз ул,
Хонгустару меҳмоннавоз ул [7.58].*

Юқоридаги шеърий парчаларни таққослаш шуни кўрсатадики, Абдураҳим Низорий ўзидан олдинги ёзилган барча “Хамса” достонларидан хабардор бўлган. У нафақат Алишер Навоийнинг “Хамса”-сига таянади, балки, форс-тожик ва ўзбек тилида бу шаклда ёзилган бошқа достонлардан ҳам танишан бўлиб, улардан кенг фойдаланган. Зоро бу далил Низорий асарини мукаммал ўрганиш жараёнида маълум бўлади.

Юқорида келитирилган намуналар яна шуни ҳам исботлайдики, адабий илмлар ва жанрлар ҳар қандай замону маконда, хусусан, мусулмон үлкаларида бир-бири билан ёнма-ён ривожланиб, адабий алоқалар анъанаси давомийлигини сақлаб қолган.

Абдураҳим Низорий ўзининг илмий-адабий хизматлари баробарида классик шоирларнинг ақидалари ва халқ оғзаки ижодиёти ғояларини ўз асарларида жамлай олди. Шоирнинг достонлари орқали кўзга ташланадиган кенг дунёқарashi унинг юксак маънавий-бадиий баркамоллигидан дарак беради. Унинг асарлари ўша асрнинг ижтимоий, иқтисодий, сиёсий ва маданий ҳаётини акс эттиради. Бу асарлар моҳиятидан феодал тузумнинг ҳолати, халқнинг яшаш шароити, диний хурофотлар таъсири ва ички сиёсий мунозаралар даражасини аниқлай олиш мумкин. Албатта, шоирнинг асарлари унинг шахсий ҳаёти ҳақидаги маълумотлар манбаси ҳам ҳисобланади.

Низорий фақатгина маснавий жанрида эмас, балки бошқа турдаги шеърий жанрларда ҳам моҳир бўлиб, айниқса унинг мухаммаслари адабиётшинослар томонидан юқори баҳоланади.

Низорий асарлари тилини ўрганиш шуни кўрсатадики, шоир XVIII-XIX аср уйғур адабий доираси услубида ижод қилган. Аммо бу услуб Хароботию

ALISHER NAVOIY ADABIY VA ILMIY MEROSINI O'RGANISH MASALALARI

xalqaro ilmiy-amaliy konferensiya

Залилий ва бошқа уйғур классиклари услубига яқин әмас. Бу услуб ва тил чигатой лаҳжаларидан олисроқ ва ҳозирги уйғур тилига яқинроқ саналади. [4.364] Ҳозирги уйғур адабий тили дейилганды, уйғур тили луғавий фондининг ўзгариши - араб ва форс сўзларининг миллий тилда камайиши тушунилади.

XVIII-XIX аср ижтимоий-сиёсий ҳодисалари, нотинчлик, осуда хаёт тарзининг мавжуд әмаслиги, илмий, адабий ва бадеий манбалардан узилиш, Кошғар, Ёркент, Хутанда форс, араб ва ўзбек тили таъсирини жуда ҳам сусайтириб юборди. Уйғур адабиёти юз йиллик таърихи сингари Моваруннахр маданияти ва адабиёти ривожидан баҳраманд бўла олмади. Шу туфайли Низорий ўз асарларида уйғур классик шоирларига нисбатан камроқ форс ва араб сўзларидан фойдаланади. [9.10]

Абдураҳим Низорийнинг ҳаёти ва ижоди тўғрисидаги маълумотлар шўролар тузуми вақтида уйғур, ўзбек ва қозоқ адабиётшунослари томонидан кўп маротиба қаламга олинади. Ўзбекистонлик олим Д.Рӯзиева ўзи алоҳида ва қозоқ адабиётшунос олими билан биргаликда Низорийнинг ҳаёти ва адабий мероси ҳақида бир неча мақолалар нашр этган ва шоирнинг «Фарҳод ва Шириң» ва «Робиа ва Саъдин» достонини нашрга тайёрлашда Д.Рӯзиеванинг хизматлари алоҳида таҳсинга лоик.

Ўзбек ва қозоқ тилларида нашр этилган «Уйғур адабиёти қисқача тарихи», «Низорий. Достонлар», «Низорий. Фарҳод ва Шириң» асарлари ҳам Низорий адабий меросини ёритувчи манбалар саналади.

Уйғур классик адабиётига назар солиш баробарида маълум бўладики, бу минтақа шоирлари жаҳонда машҳур ва севимли ҳисобланган классик асарлардан «Хусрав ва Шириң», «Лайли ва Мажнун», «Вомиқу Узро», «Толиб ва Матлуб», «Комде ва Мудан» достонларига ҳам жавобиялар ёзганлар. Бу жавобиялар замиридан форс адабиёти сўз усталари тахайюл гулистонининг муаттар ҳиди таралади.

Абдураҳим Низорий асридан ташқари XVIII асрда яратилган яна бир «Хамса» достонининг муаллифи - шу асрда яшаб ижод этган уйғур адабиёти олими ва таржимони Мулло Сиддиқ Ёркандий ҳисобланади. Унинг ижодида «Хамса» наср шаклида баён қилинади. Сиддиқ Ёркандий Мир Алишер Навоийнинг беш достонини ҳеч қандай ўзгаришларсиз оммавий халқ тилига яқин тарзда, асарнинг баъзи қисмларини шарҳлаш тарзида уйғур тилига ўгиради. Муаллиф адабий мероси тадқиқотчиларининг маълумотига кўра ушбу «Хамса» Ёрканд шахрининг ҳокими Мирзо Муҳаммад Муҳсинбек топшириғи ва хоҳиши билан юзага келган. [3.1-2]

ALISHER NAVOIY ADABIY VA ILMIY MEROSINI O'RGANISH MASALALARI

xalqaro ilmiy-amaliy konferensiya

Ушбу насрый «Хамса»нинг вужудга келиши уйғур адабиётида гўзал ҳодиса бўлиб, шу билан бирга бу ҳолат уйғур султонларининг илм ва адабиётга бўлган эътиборининг баландилигидан дарак беради. Таъкидлаш жоизки, Мулло Сиддиқ Алишер Навоий достонларинин таржима қилиш жараёнида хамсачилик анъанасига ўзгартиш киритади. У “Ҳайрат-ул-аброр” достонининг ўрнига “Лисон-ут-тайр” маснавийси таржимасини “Хамса” таркибиغا қўшади. Бундай ўзгартириш киритишга Шарқ классик адабиётида ҳеч бир шоир журъат қилмаган эди.

Насрий «Хамса» билан танишиш ва уни ўрганиш шуни кўрсатадики, Сиддиқ Ёркандий ўзининг комил бадиий маҳорати ва устозлик камолоти билан Навоийнинг беш хазина достонини таржима ва шарҳ этди ва шу йўл билан ўзини қудратли ва мукаммал адиб сифатида намоён қилди. Унинг томонидан «Бахром ва Дилором» («Сабъай сайёр»), «Фарҳод ва Ширин», «Лайли ва Мажнун», «Садди Искандарий» ва «Мантиқ-ут-тайр» маснавийлари насрый шаклда яна бир маротиба дунё юзини кўрдилар. Бу адабий ҳодиса XVIII-XIX аср таржима ҳаракатининг ривожланиши ва адабий мактаблар жараёнининг фаоллиги нишонаси ҳисбланади.

Алишери Навоий ўз «Хамса»-сида Низомий, Амир Хусрав ва Жомий достонларига татаббу сифатида ёзганлигини бир неча бор таъкидлайди ва айтиш мумкинки, Сиддиқ Ёркандий ҳам бу достонларини ижод қилиш жараёнида форс-тожик хамсачилик анъанасини Шарқий Туркистанда давом эттирган.

Ушбу насрый беш достонни ўрганиш жараёнида шундай хulosага келиш мумкинки, Фарбий Хитой адиблари ҳам ўз адабий мактабларига эга бўлганлар. Бу минтаقا шоирлари ҳам таржимада ва ҳам мустақил ижодда ўзларининг маҳсус адабий услубларига эга бўлиб, форс-тожик ва ўзбек адабиётига муносабатлари ҳам шунчаки тақлидий кўриниш бўлмай, балки образлар, тасвиirlар ва янги бадиий шакллар яратишдаги ижодкорлик маҳоратлари яққол кўзга ташланиб туради.

Фарбий Хитой шоирларининг адабий эргашишлари бир томондан бу минтақадаги форс-тожик ва ўзбек адабиёти адабий суннатларининг обрӯ ва эътиборини белгиласа, бошқа томондан Шарқий Туркистан адабий ҳавzasига хос бўлган уйғур шоир ва адибларининг ўзига хос услуг ва принципларга эга эканлигидан далолатдир. Шу сабабдан уйғур шоирларининг форсий ва туркий классик адабий асарларга ижодий муносабатларини шунчаки тақлид даражасида белгилаш тўғри ва нормал баҳолаш бўлмайди.

ALISHER NAVOIY ADABIY VA ILMIY MEROSINI O'RGANISH MASALALARI

xalqaro ilmiy-amaliy konferensiya

Бизнинг фикримизча, Сиддик Ёркандин «Хамса»-сини кенг тадқиқ этиш ва тожик ва ўзбек адабиётидаги бошқа бешлик достонлари билан солиштириш алоҳида бир мавзу бўлиб, бундай ўрганиш янги хулосалар ва илмий тадқиқотларнинг юзага келишига сабаб бўлади.

Уйғур адабиётидаги маснавийчилик ва хамсачиликка ихтисослашган ушбу мақола сўнгига қуйидаги саволга ҳам жавоб бериш лозим бўлади: юқорида тилга олинган асарлар таржима асарларми ёки татаббуларми? Абдураҳим Низорийнинг «Хамса»-си Низомий Ганжавий, Хусрав Дехлавий, Абдураҳмон Жомий, Алишер Навоий таъсирида ёзилган асар бўлиб, баъзи шеърий парчалар бу достонлардан уйғур тилига айнан таржима қилинган бўлса ҳам, умуман олганда, бу достон таржима эмас, балки ижодий достон сифатида эътироф этилади ва уни татаббу шаклидаги асар сифатида қабул қилиш тўғрироқ деб ўйлаймиз.

Мулло Сиддик Ёркандининг «Хамса»-си ҳам Навоийнинг “Хамса” асари асосида юзага келган бўлсада, уни шунчаки таржима асар деб бўлмайди. Зоро, бу муаллиф Навоийнинг тўрт достонини насрга табдил қилиш билан бирга, шоирнинг тасаввуфий достони “Лисон-ут-тайр”ни ҳам “Мантиқ-ут-тайр” номи билан насрга айлантиради ва “Хамса” таркибига киритади. Маълум бўладики, уйғур адиллари таржима ва татаббу масалаларини баъзи ҳолатларда аралаштирган бўлсаларда, бу жараён натижасида ажойиб хамсаларни юзага келтирганлар.

Шаркий Туркистонда форс-тожик ва ўзбек адабиётига эргашиш барча адабий жанрларда ривожланган бўлиб, уйғур шоирлари татаббу ва назира ёзишда, таржима ва тазминда моҳирона куч синашганлар ва ўзларига хос маҳорат ва истеъдодларини тўла кўрсата олганлар. Бу жараён форсий ва туркий адабиётда азалдан давом этган бўлиб, юқорида келтирилган мисоллар бу анъянанинг Ғарбий Хитойда ҳам ривожланганлигининг ёрқин далилидир.

Adabiyotlar ro‘uxati

(Использованная литература / References):

1. Дехлавий Амир Хусрав. Мажнун ва Лайли. Нашрга тайёрловчи: Т.Мухаррамов. - Москва, 1965.
2. Жомий Абдурраҳмон. Лайли ва Мажнун. Чопга тайёрловчи: А.Афсаҳзод. - Москва, 1972.
3. Ёркандин, Мулло Сиддик. Фарҳод ва Ширин. Мураттиб: М.Турсун. - Урумчи, 1995.
4. Кайдаров А.Т. Уйгурский (новоуйгурский) язык // Языки народов СССР. – Т.2. Тюркские языки. Главный редактор академик В.В. Виноградов. – Москва: Наука, 1966.
5. Маматохунов У. Уйғур адабиёти классиклари. – Тошкент, 1960.
6. Муроди Н. Традиции персидско-таджикской поэзии в уйгурской литературе XVI-XIX вв. (Монография). - Худжанд: Нури маърифат, 2017. - 404 стр.

ALISHER NAVOIY ADABIY VA ILMIY MEROSINI O'RGANISH MASALALARI

xalqaro ilmiy-amaliy konferensiya

7. Навоий А. МАТ (Муқаммал асарлар тўплами), 20 жилдлик, 9-жилд. -Тошкент: Фан, 1992.
8. Низомий Ганчавӣ. Хамса. Лайлию Мачнун. (Ҳайатҳои мушовара ва таҳририяи 50-чиldaи осори классикон ва муосирон аз силсилаи “Ахтарони адаб”), Ҷилди 20. – Душанбе: “Адаб”, 2012.
9. Низорий Абдураҳим. Достонлар. Нашрга тайёрловчилар: Д. Рӯзиева. – Тошкент, 1970.
10. Низорий. Низорий достонлари. Мураттиблар: А.Хожа, А.Юсуф ва бошқалар. - Урумчи, 1985.
11. Рӯзиева Д. Абдураҳим Низорийнинг Ленинграддаги мўътабар қўлёзма куллиёти хақида // Адабий мерос. – Ж.2. – Тошкент: Фан, 1971. – С.242-248.